

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2370,0 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 83,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2370,0	83,2	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	338,6	76,6	14,3
бюджет маблағлари	149,5	97,5	6,3
давлат мақсадли фонд маблағлари	167,2	81,0	7,1
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	21,9	60,0	0,9
Марказлашмаган инвестициялар	2031,4	89,1	85,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	1103,5	177,8	46,6
аҳоли маблағлари	519,1	38,6	21,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	46,4	51,4	2,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	362,2	105,0	15,3
бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар	0,2	-	0,0

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	2370,0	467,3	1902,7
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100	100	100
курилиш-монтаж ишлари	67,3	78,4	64,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	25,5	18,9	27,2
бошқа ҳаражатлар	7,2	2,7	8,2



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 0,7 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,7 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 1,8 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-сентябрь
2016 й.

Январь-сентябрь
2017 й.



- █ Уй-жой қурилиши
- █ Ишлаб чиқарадиган саноатда
- █ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- █ Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- █ Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига
- █ Ташиб ва сақлашда
- █ Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- █ Курилиш
- █ Профессионал, илмий ва техник фаолият
- █ Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- █ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- █ Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрда умумий майдони 825,7 минг кв.м. бўлган 4351 та (2016 йил январь-сентябрга нисбатан 80 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 765,1 минг кв.м. 75,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 693,4 млрд. сўмни ёки 29,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар колледжларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 72,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 43,4 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 4,2 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 319,1 км узунликдаги ичимлик суви, 57,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 117,3 ва 123,1 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари хисобига 4,8 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 1,2 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.